П 2 ОКТ 1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 228 (6. 419) 1987 йил 8 октябрь, пайшанба Баҳоси 3 тийин

Ҳамшаҳарлар эҳтиёжига эътиборни кучайтирайлик

Алло, редакциями?

5 октябрь куни «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг жамоатчи редакциясидаги телефонлар соат 17 дан 20 га қадар узлуксиз жиринглаб турди. Буни тушунса бўлади. Зеро, тошкентликлар телефон орқали Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, унинг ўринбосарлари М. М. Алиев, Ҳ. Е. Охунжонов, В. А. Котов, Л. А. Костин, К. Н. Тўлаганов, ижроия комитет секретари В. Ф. Манастиретская билан бевосита мулоқотда бўлдилар. Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси кун тартибига қўйилган СССР Олий Совети Президиумининг «Социалистик мулкни сақлашни таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари Советларининг иши тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг вазифалари ҳақидаги, аҳолининг хатлари, шикоятлари ва аризалари билан ишлашнинг ҳамда гражданлар қабулини ташкил этишнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш юзасидан белгиланаётган тадбирлар тўғрисидаги масалалар кўпчиликни ҳаяжонлантирарди.

Телефон орқали берилган юзга яқин савол назорат остига олинди. Жумладан, шаҳар аҳолиси микрорайонларнинг бундан кейинги қайта қурилиши ва ободонлаштирилиши, транспорт тармоқларининг ривожлантирилиши, янги маршрутларнинг жорий этилиши билан қизиқди. Қўнғироқ қилаётганларни аҳоли истиқомат жойларида олиб борилаётган ишлар, ёшларнинг бўш вақтини ташкил этиш, уй-жой фондининг қишга тайёргарлиги масалалари ҳаяжонлантирарди. Гражданларнинг истак ва аризаларига эътиборсизлик билан, бюрократларча муносабатда бўлинаётганлиги хусусида ҳақли эътирозлар билдирилди.

— Ҳадемай қиш бошланади, — деб сўзини бошлади телефон орқали мулоқотга биринчи бўлиб қўшилган Н. А. Терехова, — бутун турар жой фонди иситиш мавсумига тайёр бўлиши лозим. Аммо тажриба шуни кўрсатмоқдаки, иситиш системаларини ювиш ва профилактикаси масалаларига барча уй-жой ташкилотлари ҳам тўла масъулият билан ёндошмаганлар, безовта бўлаётган аҳолини эса чексиз ваъда бериш билан овутишга уринишмоқда. Мисол учун Космонавтлар проспектидаги бизнинг 14/1 уйимизни олайлик. Шу уйнинг 62-квартирасида 14 йилдан бери яшайман. Шу вақтдан бери фақат бир хонагина исийди. 73-ЖЭУ бош инженери В. Довридисга, Ленин район уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трестига мурожаат қилдим, шаҳар уй-жой бошқармаси ҳам аҳволимиздан хабардор. Ҳеч ким ёрдам беришдан бош тортмайди, аммо амалий чора ҳам кўрмайди.

Унинг шикоятини диққат билан тинглаган Л. А. Костин дарҳол шаҳар марказий диспетчерлиги, 4-энерго район билан боғланиб, авария-диспетчерлик хизматига мазкур фактни жойида текшириш, аҳволни синчиклаб ўрганиш ва кўрилган чоралар ҳақида редакцияга хабар қилиш юзасидан топшириқ берди.

Орадан атиги 10 минут ўтди. Иссиқлик системаси сифатсиз ремонт қилинганлиги ҳақида Н. Куприкова, В. Вертяновалар-нинг (Гайдар проезди, 19 «а» уй, Чилонзор, 22 кв. 14-уй, 24-кв), 59-уйнинг қишга етарли даражада тайёрланмаганлиги ҳақида З. Самойлованинг (Чилонзор 3-кв.) шикоятлари контроль остига олинди.

— Мен Жуковский кўчасидаги 63-уйнинг юқори қаватларида истиқомат қилаётган аҳоли номидан гапираяпман, — дейди ҳаяжонланиб Е. Мамедова. — Мана икки йилдирки, чакка ўтади, шу сабабли кўпинча электр ўчиб қолади, квартираларнинг деворлари, подъездлар ремонталаб бўлиб қолади. Бизнинг 14-ЖЭУга (бошлиғи Подгайнов), Ҳамза район уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трестига (бошқарувчиси Акмалов) сигналларимиз узоқ вақт эътиборсиз қолиб келди, кейинчалик сентябрь ойининг охирига қадар чора кўрамиз, деб ваъда беришди. Мана энди эса ўз бепарволикларини материал йўқ деб, оқлашга уринишяпти. Чилонзор район уй-жой ташкилотларига бир неча бор мурожаат қилган М. Муковкина, С. Шишкина, А. Патрикеевалар ҳам битум қопламали томлар ремонти хусусидаги сансалорлик ҳолларини маълум қилдилар. Шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиғи Т. Ф. Крушельницкийга ушбу материалларни ўрганиш, шу йил 12 октябрга қадар чора кўриш топширилди.

Телефон орқали мулоқотдан сўнг саноқли соатлар ўтгач Пушкин кўчасидаги 79-уйнинг юқори қаватларига сув етказиб беришдаги камчилик тузатилди. Бу ҳақда О. Рачков хабар қилган эди. Ваҳоланки, Олег Геннадьевич илгари мурожаат қилган жойларда масалани синчиклаб ўрганиб, кераксиз қоғозбозлик ўрнига амалий иш кўрилганда буни анча илгари бартараф этиш мумкин эди.

Чилонзорнинг 13-кварталидаги 34-уйда истиқомат қилувчи А. Емелин ва Л. Сисенко ўзаро келишмаган бўлсалар ҳам бир фактни маълум қилдилар. Улар қайси идорага мурожаат қилиш-масин қониқарли жавоб ололмаганлар. Ваҳоланки, улар жамоат бойлиги — кварталнинг яшил зонаси ҳақида қайғурганлар. Шу атрофда яна учта тўққиз қаватли уй қуришни мўлжаллашмоқда. Уй олдидаги очиқ майдоннинг бошқа қисмини эса юридик техникумининг стадиони эгаллаган. Ахир болалар қаерда ўйнайди?

К. Н. Тўлаганов бу масалага доир қоидаларни тушунтирар экан уй-жой муаммосини ҳал этиш учун, ҳозир бу масала айниқса кўндаланг бўлиб турибди, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети микрорайонларни бирмунча жипслаштиришга мажбур бўлаётганлигини айтди.

Бу шаҳар территориясидан рационал фойдаланиш мақсадида қилинмоқда ва уй-жой қурилишига оид амалдаги қоидаларга зид келмайди. Шаҳарни чексиз даражада кенгайтириш ҳам мумкин эмаслигини ёдда тутиш керак. Чунки қишлоқ хўжалиги экинларидан, шу жумладан сабзавот ва мевалардан мўл-ҳосил бераётган қимматли экин майдонлари қолган.

Шу беш йилликда уй-жойлар қурилиши ҳажми ўн биринчи беш йилликка нисбатан бир яримбаравар кўпаяди. Мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар, магазинлар ва маиший хизмат, савдо объектлари кўпаяди. Мазкур объектларнинг ҳаммаси комплекс уй-жой қурилиши учун ажратилган ерлар доирасида жойлаштирилиши керак. 1986-1990 йиллар мобайнида тенг миқдорда ҳам Тошкент области территориясидан ер ажратиш, ҳам биноларни ихчамлаштириш ва эски иморатларни бузиш ҳисобига шаҳар чегарасида уй-жойлар қурилишини олиб бориш мўлжалланмоқда. Назаримизда, бу тажриба давр руҳига мосдир.

Сўҳбат мавзуи шаҳарни ривожлантириш истиқболи ҳақида бораётганлигини ҳис этгандек Дарвин кўчасидаги эски уйларнинг бузилиши ҳақидаги савол билан Н. Трифонова мурожаат қилди.

Ушбу ерлар истиқболда Циолковский — Генерал Петров 2-микрорайони комплекс қурилиши учун ажратилган. Уйларни бузиш 1990 йилда бошланади ва ўн учинчи беш йилликда (1991—1995 йиллар) давом этади.

Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси, Ҳамза ва Киров район ижроия комитетларининг ходимларига ушбу масалаларни 1987 йил 12 октябрга қадар жойларда тушунтириш топширилди.

Бўлажак сессия арафасида гражданлар қабули қониқарсиз ўтаётганлиги, район ободонлаштириш, кварталларда тегишли тартиб сақлаш ишларида иштирок этиши лозим.

...Яна қўнғироқ жиринглайди. Шаҳар ижроия комитетининг раиси Шукрулла Раҳматовични сўрашади. Шаҳар Совети ижроия комитетига тушаётган хатлар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши, уларга район ижроия комитетлари ва уларнинг бўлимлари эмас, шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ва унинг ўринбосарлари жавоб беришлари ҳақида таклиф киритилади. Шундай қилинганда берилган ваъдаларнинг бажарилиши ҳамиша уларнинг эътиборида бўлади.

— Ижроия комитет ушбу таклифни шаҳар Советининг иккинчи сессиясида депутатларнинг эътиборига ҳавола этади ва сизга аниқ жавоб берилади, — дейди Ш. Р. Мирсаидов. — Бизнингча, олинаётган барча хатлар юзасидан қарорлар қабул қилишнинг ҳожати бўлмаса керак, сабаби ҳар йили ижроия комитетга 20 мингдан зиёд хат, ариза ва шикоятлар тушади. Таклифнинг иккинчи қисми хусусида эса ижроия комитет сиз билан бир фикрда.

Г. Габдурахманова сессиялар олдидан докладларнинг тезислари билан бирга илгари баён этилган камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирларни ҳам эълон қилиш лозим деб ҳисоблайди. И. Юдин шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг гражданларни қабул қилиш графигини эълон қилиб боришни таклиф этади. З. Карачук бўшаган квартираларни уларнинг ремонт қилинишини кутмай дарҳол навбатда турганларга бериш лозим, деган фикрни билдиради.

Таклифларингиз диққатга сазовор, ижроия комитет уларни йигирманчи чақириқ иккинчи сессиясида депутатлар муҳокамасига ҳавола этади, деган жавоб эшитилади.

Телефон орқали мулоқотда меҳнат ветерани А. Сайдалимовнинг таклифи жиддий қизиқиш уйғотди. У аксарият олий ўқув юртларини, техникумларни қишлоқ жойларда, айниқса Жиззах, Қашқадарё, Сирдарёда жойлаштириш лозим деб ҳисоблайди.

— Таклиф эътиборга лойиқ, зеро кўпгина ихтисосликлар бўйича мутахассислар қишлоқ хўжалиги учун тайёрланади ва ўқув муассасалари ана шу мутахассисларнинг меҳнати сафарбар этиладиган жойларга яқинроқ бўлиши лозим. Шундай қилинганда айтиб ўтилган регионларнинг кўпгина иқтисодий ва социал проблемалари ўз-ўзидан ҳал бўлади. Ўйлаймизки, республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ушбу масалаларни кўриб чиқиб ўз фикрларини маҳаллий матбуот саҳифаларида эълон қиладилар, — жавоб беради Ш. Р. Мирсаидов. — Министрлик ва идораларнинг шаҳарда иш олиб бормайдиган, атроф-муҳитни булғаётган ремонт-қурилиш ва бошқа бўлинмаларини шаҳар чеккасига кўчириш масаласига тўхтаб, ижроия комитет ана шу ташкилотларни шаҳар чеккасига кўчириш юзасидан ўз таклифларини киритган, — деди. — Ўзбекистон ССР Давлат план комитети мазкур масала юзасидан ўз қатъий позициясини баён этиши лозим. Идораларга қарашли уй-жой фондини маҳаллий Советлар балансига ўтказишни тезлаштириш зарурлиги тўғрисидаги масала тўғри кўтарилмоқда. Шаҳарда бу борадаги иш бир неча йиллардан бери олиб бориляпти. Ўтган беш йилликда ва 1986—1987 йиллар мобайнида маҳаллий Советлар балансига 1 миллион квадрат метрга яқин идораларга қарашли уйлар қабул қилинди. Шунга қарамай бугунги кунда идораларга қарашли 6 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой майдонлари бор. Ушбу масала юзасидан юқори директив органларнинг қабул қилинган қарорларида 1993 йил ана шу ишларни тугатиш учун сўнгги муддат деб белгиланган эди.

Министрликлар ва идоралар ўзларига қарашли уйларни техник жиҳатдан соз ҳолда, тегишли штатлари ва моддий ресурслари билан бирга топширишлари лозим. Афсуски, ҳамиша ҳам бунга риоя қилинмаяпти. Район советларининг ижроия комитетларига, шаҳар уй-жой бошқармасига идораларга қарашли уйларни ўз балансига қабул қилишни тезлаштириш, ушбу ишларнинг белгиланган муддатда тугалланишини таъминлаш юзасидан топшириқлар берилган. Уй-жойлардан фойдаланиш бўлинмаларининг базасини мустаҳкамлаш масаласига келсак, бу йўналишда ишлар бошланган, аммо чигалликлар ва муаммолар бу ерда ҳам оз эмас. Маҳаллий Советлар республика Давлат план комитети ва Таъминот комитетининг, Молия министрлигининг амалий ёрдамига муҳтож.

— Бўлажак сессия тезисларини «1-Оқлон» маҳалласи аъзолари биргаликда ўқидик, — эшитилади трубкада аёл кишининг овози. Усмонова аҳоли номидан 320 ўринли болалар боғчаси қурилиши ҳамда Шишкин кўчасидаги собиқ 186-мактаб биносини болалар касалхонаси ёки поликлиникаси ташкил этиш учун реконструкция қилиш хусусида мурожаат қилаётган экан.

— Оқлон маҳалласида болалар боғчаси қурилиши, — деб тушунтиради В. А. Котов, — 1988 йил планига киритилган бўлиб, 1989 йилда ишга туширилиши лозим. Иккинчи масала эса ҳозир ижроия комитетда кўриб чиқилаяпти, якуний қарор қабул қилингандан сўнг бу ҳақда сизга ёзма равишда маълум қилинади.

Уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент комитети президиумининг аъзоси А. Р. Хўжаев Гоголь кўчасида (Пушкин кўчаси бурчаги) Н. В. Гоголь ҳайкалини бунёд этиш масаласини кўтаради ва қуйидаги жавобни эшитади: Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Н. В. Гоголга ҳайкал ўрнатиш учун тегишли рухсатномани олди, ушбу ишларни 1988 йилда бажариш режалаштирилмоқда.

У. Бобоев «Марказ—14» кварталидаги 12-уйда истиқомат қилувчи қўшниси электр энергияси ва қурилиш материалларини ўғирлаётганлигини ташвишланиб маълум қилади. Қоидабузарга жарима солинганидан сўнг у қўшнисига пўписа қила бошлаган. Бу сигнал ҳам эътиборсиз қолмади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи В. Ф. Клапушевскийга воқеа содир бўлган ерга бориб, уни текшириш ва қоидабузарга нисбатан таъсирчанроқ чора кўриш топширилади.

Пассажир транспорти ишига тааллуқли бир қатор саволлар берилди.

— Акмал Икромов районидаги янги кўприк қурилиши тугалланиши муносабати билан транспорт тараққиётининг истиқболлари қандай? — деб қизиқади Г. Сейтшаева.

— Шу йил декабрь ойида Бўсувш канали орқали Улуғбек ва Бобир кўчаларини бирлаштирувчи янги кўприк ишга туширилиши муносабати билан Медиклар шаҳарчаси, «Тез ёрдам» касалхонаси, йирик Чилонзор турар жой массиви, метронинг «Чилонзор» станцияси оралиғида транспорт алоқасини таъминловчи янги автобус маршрутини очиш кўзда тутилади, — деб тушунтиради М. М. Алиев. — Бундан ташқари 34-экспресс автобуси маршрути трассасини бирмунча тўғрилаш режалаштирилмоқда. Бу йўловчиларнинг Студентлар шаҳарчасидан Чилонзор массиви ва тўқимачилик комбинатигача бориш учун кетадиган вақтини қисқартириш имконини беради.

З. Шчапина, М. Усмоновларни транспортнинг қўшимча бекатларини жорий этиш қоидалари тўғрисидаги масала қизиқтирарди. Улар ўзларини қизиқтирган саволга дарҳол жавоб олдилар: бекатлар давлат стандартига мувофиқ йўловчиларга қулайлиги нормаларини (600—800 метр) ҳисобга олган ҳолда, йўловчилар оқимидан келиб чиқиб таъсис этилади...

...Жамоатчи редакцияда телефонларнинг жиринглаши соат 20 дан кейин ҳам тўхтагани йўқ. Аммо бу билан бўлажак сессияга тайёргарлик ишлари ҳам тугамади. Бевосита редакцияда бўлиб ўтган оператив летучкада шаҳар ижроия комитетининг барча хизматларига жойларга чиқиш ва кўтарилган масалаларни таҳлил этиш юзасидан топшириқлар берилди.



© «Оқшом» редакциясида ўтказилган мулоқот пайти.

Замондошимиз



КАМОЛОТ

Жамиятимизнинг барча жабҳасида давом этаётган қайта қуриш жараёни ҳаётга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Бу хайрли ишда ҳар бир меҳнат коллективининг ишчи-хизматчиси актив иштирок этяпти. Ана шундай фидойилар орасида Анастасия Ивановна Бичкова ҳам бор. У Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик министрлигига қарашли Тошкент тажриба-механика заводининг М. Омонов бошлиқ бригадасида ўроврчилик қиладн.

Яхши номни меҳнат билан орттирнш керак. Яхши ном чиройли сўзлар, ваъдалар учун берилмайди, балки меҳнат натижаси учун, унга астойдил қўйилган меҳр учун берилади. Анастасия Ивановна ҳам касбини жон-дилидан севади. Шу боисдан коллектив ўртасида обрў-эътибор қозонди. Бунга йигирма йиллик ҳалол меҳнати туфайли эришди.

Йигирма йил... Шу йиллар давомида ҳамкасблари орасида нишга чанқоқ, атрофидаги кишиларга нисбатан меҳр-оқибатли бу аёл ўзидаги барча яхши фазилатларини намойиш эта олди. Анастасия Ивановна ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Ҳамиша кунлик нормасини ортиғи билан бажаряпти. Унинг эзгу ниятларидан бири Улуғ Октябрнинг 70 йиллик шонли юбилейини муносиб кутиб олишга аҳд қилган бригада зафарларига арзигулик ҳисса қўшишдан иборат.

— Меҳнат қилган кишн мамлакатимизда доимо иззат қилинадики, дунёнинг ҳеч бир ерида бундай ҳурмат этилмайди, — дейди А. Бичкова. — Қобилиятга яраша севимли ишн ва машғулоти билан шуғулланган одам доимо ҳаётда ўз ўрнини топадн. Меҳнатим туфайли кишиларга фойда келтираётганимдан гоятда бахтлиман.

Анастасия Ивановна пешқадам ишчигина эмас, севимли ёр, меҳрибон она. Турмуш ўртоғи ҳам ишчи синфининг вакили. Улар биргаликда уч фарзандни тарбиялашди. Людмила, Татьяна, Наталья исмли қизлари ота-онасидек ишчан, ҳалол кишилар бўлиб улгаяптилар.

М. ДАМИНОВ.

СУРАТДА: Анастасия Ивановна Бичкова. Т. Каримов фотоси.

Кеча Ўзбекистонда Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари тантанали равишда ёпилди. У қардош маданиятларнинг, совет халқлари бузилмас бирлигининг ёркин байрамига айланди

17 октябрь—Коммунистик шанбалик куни

Беш йиллик фондига

● ТОШКЕНТ. 17 октябрь куни бўладиган Коммунистик шанбаликда «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчилари ўз иш жойларида меҳнат қиладилар, территорияни ободонлаштиришда қатнашадилар ҳамда пахта теримига чиқадилар.

Шу куни ҳаммаси бўлиб 17 минг сўмлик товар маҳсулот, бир яримминг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Беш йиллик фондига минг сўм пул ўтказишга қарор қилинди.

БИЗ ҲАММАМИЗ— ПАХТАКОРМИЗ

⊙ Кимсаной аянинг даъватига «лаббай» деб жавоб берган минг-минглаб оловқалб ҳамшаҳарларимиз пахтазорларга отланмоқдалар.

⊙ Юбилей йили «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олиш учун бутун куч-ғайратимизни сафарбар этайлик.

Ҳосил ерда қолмайди

Жиззах области, Дўстлик районн (телефон орқали). Қўриқ областининг қатор пахтакор хўжаликларида Тошкентдан борган ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоатини кўриш мумкин. Эрта тонгданоқ белига этак боғлаган ўн минглаб ҳашарчилар «оқ олтин» эгатлари оралаб қийғос очилган пахтани тақкон термоқдалар. Районнинг 12, 13, 13 «А», 11, 25, 27-совхозларида Тошкентнинг Октябрь районидан борган тўрт мингдан зиёд ҳашарчилар. Шунингдек, «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия ташкилоти секретари Шавкат Усмонов бошчилигидаги ҳашарчилари Ленин номидаги совхозда ҳиммат кўрсатмоқдалар.

Қўриқ областнинг далаларида етиштирилган мўл «оқ олтин» ҳосили ёғин-сочин кунларга қолиб кетмайди. Унинг бир грамми ҳам нобуд қилинмай териб олинади. Тошкентлик ҳашарчилар ана шундай демоқдалар.

Муҳим ғалаба

Футбол

6 октябрь куни биринчи лига командалари навбатдаги тур учрашувларини ўтказишди.

Асосий учрашувлардан бири Тошкентда бўлиб ўтди. Шу куни ҳамшаҳарларимиз чемпионат пешқадами «Черноморец» (Одесса) клубини қабул қилишди. Учрашувнинг 35-минутида одессаликлар жарима чизиғи яқинида ўйин қоидасини бузишди. О. Синелобовнинг зарб билан тепган тўпи дарвоза тўсиннига тегиб қайтди. Бу тўпга биринчи бўлиб етиб келган А. Абдураимов дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни очди.

Иккинчи бўлимнинг 77-минутида М. Кабаев одессаликлар дарвозабони билан яккамаяккага чиқиб, ҳисобни оширди. Бу М. Кабаевнинг мавсумдаги 16-тўпи эди. Учрашув тугашига беш минут қолганда одессалик А. Шербаков ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, пахтакорчилар жамғармаларидаги очколар сонини 42 тага етказишиб, турнир жадвалининг тўртинчи поғонасини эгаллаб туришибди.

Шу турнинг қолган учрашувларн қуйидагича тугади: «Помир» — «Карпати» АСК — 1:0, «Локомотив» — «Геолог» — 1:0, АСК Р. — «Даугава» — 1:1, «Заря» — «Шинник» — 0:0, «Котайк» — «Ростсельмаш», — 4:2, «Спартак» — «Динамо» Ст. — 4:2, «Торпедо» — «Металлург» — 1:0, «Динамо» Бт. — «Колос» — 1:0.

Энди пахтакорчилар икки учрашувни: «Геолог» (Тюмень) ва «Крилья Советов» (Куйбишев) командалари билан меҳмонда ўтказишади.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Йиғилишдан кейинги мулоҳазалар

«Ташсельмаш» заводининг партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари тугалланди. Улар камчиликларга муросасизлик, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Партия группаларининг сайловдан-сайловгача бўлган давридаги фаолиятига принципал баҳо берилди. Партия аъзоларининг партия XXVII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг съездан кейинги Пленумлари қарорларини амалга оширишга қандай ҳисса қўшаётгани муҳокама этилди.

Коммунистлар ишонч билдирган кишилар партия ташкилотчиси этиб сайланишди. Заводнинг илғор 1-қуюв цехида бешта қуйи партия ячейкаси мавжуд. Уларда ҳам ҳисобот ва сайловлар якунланди. Шулардан бир нечтасига янги ташкилотчилар сайланди. Энг катта партия группаси 1-, 4-конвейерлар ҳамда стержен участкаси партия группаси ташкилотчиси Раиса Алексеевна Медведьева зиммасига бу вазифа қайта юкланди. Коммунистлар унга нима сабабдан ишонч билдирганликларини қуйидагича баҳоладилар.

Цех партия ташкилоти секретарининг ўринбосари С. Боровских шундай деди: — очиғини тан олиш керак, сўнгги пайтларда партия ташкилотчиси вазифасида ишлаш анча мураккаблашиб қолди. Фақатгина коммунистлар эмас, ҳатто партиясизларнинг ҳам активлиги ошиб бораяпти. Бу яхши, албатта. Ўтган бир йил ичида партия группаси коммунистлари талайгина ишларни амалга оширдилар. А. Зуннунов, Ю. Эшқурбонов, Д. Жумаева, В. Алёхин сингари КПСС аъзоларининг талабчанлиги, куч-ғайратини ўз вазифасини адо этишга сарфлаётгани сабабли цехимизнинг плантопшириқларини бажарилишига катта ҳисса қўшишди. Жумладан, уларнинг ташаббуси билан сифатсиз маҳсулотлар участкаси ажратилди. У ерга қўйиладиган брак деталлар бутун цех ишчиларига кўринади. Ҳар сафар шу майдондан ўтган киши бракчини изза қилаётгандек туюлади. Бу эса уларга қаттиқ таъсир этди. Аста-секинлик билан бўлса ҳам қуйилаётган деталлар сифати яхшиланиб борди. Агар ҳозирги кунда онда-сонда шунга ўхшаш ҳодиса рўй берса, ўша ишчига меҳнатининг маҳсули кўрсатилади. Тезда сабаби аниқланиб, чора кўрилади.

Ҳар ойда икки марта партия группаси йиғилиши ўтказилади. Коммунистлар бу тадбирни ҳам кам деб ҳисоблашаяпти.

Ишчиларнинг планлари катта, тайёрлайдиган деталларининг турлари хилма-хил. Ассортимент бўйича мажбуриятларни уддалаш осон эмас. Аммо коммунистларнинг омилкор ва уюшқоқликлари туфайли ваъдаларини бажариб келаяптилар. Цехимизда чиқариладиган «Чақмоқ» варақасида бирон камчилик танқид қилинса, группа коммунистлари йиғилишиб, маслаҳатлашиб, уни бартараф этишга киришадилар.

Ҳа, Раиса Алексеевна Медведьева учинчи марта кетмакет партия ташкилотчилигига сайланди. Сўнгги йилларда КПСС аъзоларининг активлиги, уюшқоқлиги, бир-бирига меҳр-муҳаббати ижобий томонга кескин ўзгарди. Планлар ҳам мунтазам бажарилиб, цехимиз илғорлар қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Ишчиларда қилган хатти-ҳаракати учун жавобгарлик ҳисси кучайди. Сиёсий-тарбиявий тадбирлар ҳам яхши йўлга қўйилди. Ҳатто партиясиз ишчиларнинг активлиги, фикрлаш қобилияти ўсди. Хуллас, қилинган ишлар талайгина. Буларнинг барчасида партия ташкилотчисининг алоҳида ўрни бор. Ташаббусларни қўллаб-қувватлашда у бошқа партия группаси ташкилотчиларига ўрнак бўлаяпти.

Цехнинг илғор сараловчиси Ю. Эшқурбонов эса шундай фикр билдирди:

— Раиса Алексеевна цехимизда смена мастери вазифасида меҳнат қилади. Ўтган ҳисобот даврида унинг бошчилигидаги кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди.

Раиса Алексеевна мастер сифатида яхши ишлайди. Бирон ишчи мушкул аҳволга тушиб қолса, ҳамиша унга ёрдамга келади. Ҳатто ишдан кейин қолиб ўргатади, маслаҳатлар беради. Илгари партия группаси ташкилотчиси номигагина ишлаб, фақат ўз участкаси учун жавоб берарди. Р. Медведьева эса бундай қилмайди. Ана шу боисдан партия группаси ҳисобидаги коммунистлар ишлаётган участкаларнинг барчасида меҳнат унумдорлигининг бир маромда боришини таъминлаш мақсадида масъулиятни ўз зиммасига олган.

Мен бошқа сменада ишлайман. Партия ташкилотчимиз эса бошқа сменада меҳнат қилади. Шунга қарамай гоҳида сменасидан барвақт келиб, гоҳида сменасидан кейин бизлар билан учрашиб, ишлар қандай кетаётганлигини суриштиради. Ишимизга халал бераётган тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашади. У меҳрибон инсон сифатида ҳам кўпчилик ҳурматини қозонди. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ишчилардан бири тайёрлаётган деталлар орасида браклари кўпайиб кетди. Смена мастери Раиса Алексеевна эса унга босиқлик билан хатосини тушунтира бошлади. Ана шунда кайфияти бузилиб турган қуювчи мастерга нисбатан қўполлик қилди. Бироқ, Р. Медведьева бундан хафа бўлгани йўқ. Аксинча, у маслаҳат берди.

Партия группасига ташкилотчи этиб сайлашимизнинг яна бир боиси унинг одамлар қалбига йўл топа олишидадир. Снёсий билим доираси ҳам кенг. Смена мастери сафида ишлаётгани сабабли бўш вақти ҳам кўпроқ. Коммунистлар билан суҳбатлар ўтказиш учун, конвейерлар ҳамда сменадаги меҳнат шароитини кўздан кечириш учун вақт ажратиш имкониятига эга.

Ҳисобот-сайлов йиғилишда сўзга чиққан Н. Гараев, А. Зуннунов ва В. Алёхин кабилар ҳам ундаги бошқа хусусиятларни тилга олдилар. Ташаббускорлик, принципиаллик, кўпчилик меҳнати учун қайғуриш каби хислатлари олдимизга қўйган вазифаларимиз, тайёрлаётган маҳсулотларимизнинг сифатини яхшилаш учун курашишимизда, оғир кўл меҳнатини техника зиммасига юклашимизда бизга катта ёрдам беради.

Цехнинг 1-конвейери смена мастери А. Зуннунов эса шундай деди:

— Партия группаси ҳисобида ўн нафар коммунист бор. — Олдимизда бажаришимиз лозим бўлган ишларимиз кўп. Бир йил ичида 4-конвейер смена мастери В. Алёхин, ишчи К. Мухторов ҳамда меннинг қайта қуриш, жадаллаштириш, брак маҳсулотга қарши кураш йўлида қўшаётган ҳиссамиз ҳақидаги ҳисоботимиз тингланди. Бунинг натижаси самарали бўлаяпти.

Аввалари конвейер бирон сабабга кўра тўхтаб қолса, ремонтчи-слесарь уни ишга туширмагунча, бошқалар бефарқ ўтираверарди. Энди эса тезликда ҳар ким ремонтчига ёрдамга келади. Ҳамкасбларимиздан биронтаси бетоб бўлиб қолса, касалхонада даволанса, ҳолидан хабар олгани албатта борамиз. Ҳеч ким ўзини у ёқ-бу ёққа ташламайди.

Албатта, камчиликлар ҳам бўлди. Смена мастерлари, қуювчиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида айни вақтларда брakка йўл қўйилди. Қўл кучи билан бажариладиган процесслар ҳануэгача кўп. Ишимизни автоматлаштириш секинлик билан амалга ошириляпти. Дастгоҳлар, фойдаланаётган техникамизнинг анчагина қисми эскирган, ишга яроқсиз бўлиб қолганлари ҳам йўқ эмас. Партия группаси бу муҳим масалаларга етарлича аҳамият беролмади.

Бироқ, шунга қарамай, партия группаси бир йиллик фаолияти қониқарли бўлди. Ташкилотчиликка Раиса Алексеевнани сайлаб хато қилмадик. У ўзининг ғамхўрлиги, талабчанлиги, ишбилармонлиги билан барча коммунистларга ибрат бўла олади. Ишимизнинг олға силжишида унинг кўмаги албатта, зарур.

М. ДАМИНОВ.




Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейига ўзига хос меҳнат туҳфасини тайёрламоқда. Коллектив ва унинг аъзоларининг ҳар бири ана шу шонли сана шарафига ошириган социалистик мажбурият олиб ишламоқда.

Ушбу суратда бирлашма филиалининг илғор чеварлари (чапдан-ўнгга) М. Боқиева, П. Комилова ва З. Қўчқороваларни кўриб турибсиз. Улар ўзаро тажриба алмашишмоқда, янги режалари устида баҳслашишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Советлар ҳаётидан



Электр-монтажчи Сунн Анефиев ўн йилдан буён Тошкент агрегат заводида ўз касбини ардоқлаб келмоқда. У электротехниканн пухта эгаллаб олганлиги учун жиҳозларнинг носозлигини ўз вақтида, оператив равишда, сифатли ремонт қилмоқда. План-топшириқларнинг бажарилиши кўпинча ана шу дастгоҳларнинг бир маромда узлуксиз ишлашига боғлиқдир. Буни Сунн юракдан ҳис этади. Шунинг учун цехни айланиб дастгоҳларнинг қандай ишлаётганлигини мунтазам кузатиб боради. «Меҳнат қилган — элда азиз» дейди халқимиз. Сунн Анефиев ҳам ўзининг меҳнатсеварлиги билан коллектив ўртасида ҳурмат-эътибор қозонмоқда. Илғор ишчи жамоат ишларида ҳам актив иштирок этади. У Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига мажбурият олиб ишламоқда.

СУРАТДА: С. Анефиев.

Р. Содиқ-Зода фотоси.

Бахтини меҳнатдан топди

Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида бўлганимизда бизга 4-совғалар цехи тикувчилар бригадири Рашида Маллахунова ҳақида илиқ гапларни айтишди. У меҳнатда интизомли бўлибгина қолмай бошқаларни ҳам тартиб-интизомга чақиради. Ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан. Бугина эмас, унинг меҳрибонлиги, ташкилотчилиги ва ташаббускорлигини ҳам коммунист ва комсомоллар алоҳида тилга олдилар.

1982 йилнинг январь ойи... Рашида ўшанда корхона 4-цехига биринчи марта қадам қўйганди. У меҳрибон устози Антонина Васильевна Ушаковадан касб сирларини ўрганди. Абжир ва уддабурон қиз тез орада қўғирчоқларга костюм тикишнинг барча жараёнларини пухта эгаллаб олди.

Йиллар ўтди. Энди Рашида эл оғзига тушди. Коллективнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. У ҳақида илгари фақатгина цехда гапиришса, энди бирлашмада ҳам қизнинг меҳнатсеварлиги, камтарлигини тилга оладиган бўлдилар. Бундай ҳурмат-иззатдан Рашида эсанкирамади, балки янада қунт ва сабот билан ишлади. У янада унумлироқ ишлашга, вазифаларни муддатидан илгари бажаришга, вақтдан ўзиб ишлашга, энг қийин топшириқларни астойдил ғайрат билан уддалашга интилди.

1986 йил актив жамоатчи қиз Рашиданинг ҳаётида бутун умрга муҳрланиб қолди. Фабрика коллективи унга катта ишонч билдириб, КПСС сафига қабул қилди. Энди бу юксак ишончга яраша зарбдор меҳнат ва ташаббускорлик кўрсатиш керак эди. У шундай қилди ҳам.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорларига жавобан фабрика коллективи юксак кўтаринкилик намуналарини кўрсатмоқда. Бунда пешқадам бригадир Рашиданинг ҳам озми-кўпми улуши бор. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллигига бригада аҳли муносиб тўёна билан бормоқда. Уларнинг шиори: «Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан ҳам унумлироқ меҳнат қилиш»дир. Бригада аъзолари ишлаб чиқараётган «Умида», «Тўлғаной», «Зумрад», «Ботир гўзал», «Болаларнинг кар-навал костюми», «Мариянка», «Гулжамол» каби жажжи ўйинчоқ ва қўғирчоқларга талаб ортиб бормоқда. Бу маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан кишини ўзига тортади. Болаларда завқ-шавқ уйғотади.

Рашиданинг ҳамкасблари КПСС аъзолари Қундуз Мирхонова, Шарофат Акбарова, комсомоллар Умида Муҳиддинова, Райҳон Бедалбоева, Раъно Муротовалар кунлик ва ойлик топшириқларни 120-130 процентдан ошириб бажариш билан биргаликда сифатли маҳсулотлар топширмоқдалар.

Моҳир тикувчининг қўплаб шогирдлари бор. Улар «Шогирд мураббийга тенглашсин» шиори остида меҳнат қилишмоқда.

Рашида жамоат ишларини ҳам аъло даражада бажаради. У цех комсоргидир. Цех партия ташкилотига ҳам яқиндан ёрдам беради.

— Меҳнат — кишини улуғлайди, — дейди доно халқимиз. Ҳа, Рашида буни яхши билади, бунга амал қилмоқда ҳам.

— Ёшлигимдан тикувчиликка қизиқардим. Корхонада эса менга меҳнатни севишга ўргатишди, — дейди Рашида биз билан суҳбатда. — Бизда ҳалол меҳнат қилган ҳеч кам бўлмайди. Шон-шуҳрат, обрў топади. Мен буни ўз мисолимда кўриб турибман.

Меҳнатсевар тикувчининг меҳнати муносиб тақдирланган. Унинг кўксини «Мусобақа аълочиси», «Социалистик мусобақа ғолиби» нишонлари безаб турибди. У бир неча марта корхонанинг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

1985 йил ҳам унга қувонч келтирди. У шаҳар Совети депутати сифатида талай ишларни амалга оширди. Эл олқишига сазовор бўлди. 1987 йилда эса у Тошкент шаҳар Советига иккинчи марта депутат бўлиб сайланди.

Мана, смена ҳам тугади. Корхонадан барваста қоматли, қорачадан келган, нигоҳидан нур ёғилиб турган хушчақчақ қиз шахдам қадамлар билан чиқиб келмоқда. Унинг юзларида табассум. Чеҳрасидан бугунги меҳнатдан мамнунлиги сезилиб турибди.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

Эл хизматида

Бундан беш ой олдин Ўрта Осиё темир йўли механизация бошқармасининг умумколлектив йиғилишида Сергели район Совети депутатлигига Қуронбой аканинг номзоди кўпчилик овоз олганида у дастлаб бунга қарши чиқмоқчи эди. Негаки, икки йиллик депутатлик фаолиятида у талай қийинчиликларга дуч келди. Бу ёқда 500 кишилик коллективга эга бўлган бошқармани бошқариш, қолаверса, жамоатчилик ишлари унга бир соат ҳам тиним бермади. Тер тўкиб ишлашга тўғри келди. Ўшанда у: «Ўртоқлар, мени қўйинглар. Ёшлардан сайлайлик» демоқчи ҳам бўлди. Лекин, бир овоздан кўтарилган қўллар, ишонч билан тикилиб турган нигоҳлар уни бу шаштидан қайтарди. Коллективнинг бу қадар ишончи унинг руҳига тетиклик, кучига-куч қўшди. Иккинчи бор у Сергели район Советига депутат қилиб сайланди. Мана уч ойдирки, эрта-ю кеч халқ хизматида.

— Қуронбой Еқубович, халқ депутати бўлиш юксак шараф ва катта масъулиятдир. Халқ депутатлар зиммасига муҳим давлат ва жамоат вазифаларини юклайди. Сиз бугунги кунда қандай талабларни бажаряпсиз?

— Депутат ўзининг бутун фаолияти билан сайловчиларнинг ишончини оқлаши, халқ томонидан унинг олдига қўйилган талабларга ҳаниша ёрдам бермоғи лозим. Депутатликка қайта сайланганимдан буён уч ой вақт ўтди. Шу вақт мобайнида илгари дуч келганимдек қатор муҳим талаблар кун тартибига қўйилди. Шулардан асосийси телефон масаласидир. Сергели райони шаҳардан сезиларли масофада ажралган туфайли районда АТСлар етишмайди. Бу эса ўз вақтида аҳоли талабини қондиришга монелик кўрсатмоқда. Шунга қарамай, ўз ички имкониятларимиздан фойдаланиб, бошқармамиз АТСи орқали «Венгер» кўчасида истиқомат қилувчи 9 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчилари уйига телефон ўрнатилди. Бундан ташқари сайловчилар накази бўйича шу кўчага бошдан оёқ асфальт ётқизилди. Транспорт масаласи ҳам ҳал этилиб, маршрут такси қатнови йўлга қўйилди. «Ўзгариш» посёлкасининг бир неча майда кўчалари ёзда чанг-тупроқ, қишда лойга айланиб катта-кичикни қийнар эди. Айниқса болаларнинг мактабга бориб келиши учун бу кўчалар катта қийинчилик туғдирар эди. Маҳалла аҳолисининг шикояти сабаб бўлди-ю, ўзим бошқараётган бошқарма транспортидан фойдаланиб, шу кўчаларга шағалқум тўктириб, асфальт ётқиздик. Агар бу масалада район Советига мурожаат қилганимизда албатта бу иш чўзилган бўлар эди. Негаки, транспорт масаласи бўйича баъзи бир ташкилотларга югуришга тўғри келарди.

— Бизнинг мактабни 2-вагон депоси ва Граждан авиацияснинг 243-заводи ўз оталигига олган бўлсалар ҳам, шу пайтгача бу корхоналарнинг мактабимизга ёрдами тегмади, — дейди 20-мактаб директор ўринбосари Валентина Малигина. — Яқинда болалар бассейни профинни асфальт қилиш ва жойимиз қолмади. Фикат депутатимиз Қуронбой Еқубович жонимизга оро кирди. Бундан ташқари мактабимизга автодром қуришда мактаб ҳовлисини текислаш билан ўраб берди. Бундан ташқари мактабимизнинг кимлигини, унинг исми-шарифини ҳеч ким билмас эдик, — деб сўзимизга қўшилди «Дастлабки маҳалла комитетининг раиси Йўлдош ота Авлиёқулов. — Йўлларимиз тунинг қоронғисида качидек баланд-паст, ўнқир-чўнқир эди. Маҳалла марказида автобус бекати, автомат-телефон йўқ эди. Аҳоли кетадиган машиналарга уч ойда бир марта зўрға етиб келиб кетишар эди. Маҳалла ободончилигини йўлида тўсиқ бўлаётган камчиликларнинг ҳаммаси ўйлаган сайловда очиқ-ошкора айтилди. Депутатимиз Қ. Еқуббоев мактабимизнинг обод бўлишига катта хизмат қилди. Автобус бекати ва телефон-автомат ўрнатилди. Аҳалтлар тозаланиб, тузатилди.

Депутат шаънига айтилган илиқ гаплардан сезиб турибдики, халқ ўз номзодини қилган ишларидан мамнун. Ўз ташаббуси билан эмас, эл-юрт таклифи билан юрган Қуронбой ака Еқубоев ҳақиқий жонкуяр инсон. Унинг олқишига сазовор бўлганлигининг сабаби, ўз ишини билан бирлаштириб, Депутат бошқараётган механизация коллектив меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига 70 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган йўлсозлари планидаги 3 миллион 200 минг ўрнига 3 миллион 500 минг сўмлик ремонт-монтаж ишларини бажаришга ваъда қилганлар. Қуронбой Еқубоев коммунист сифатида КПСС XXVII съезди ва ундан кейинги Пленумлари, қарорларини, қайта қуриш ҳақидаги қарорларини, қайта қуриш, жадаллаштириш ва янгилаш омилларига алоҳида эътибор бериш каби масалаларни ҳаётга татбиқ этишда бошқаларга ўрнак бўлаётир. Биз ундан: «Депутатнинг қайта қуриш шароитида биринчи галдаги вазифаси нимадан иборат?» — деб сўраганимизда у шундай жавоб қилди.

— Энг аввало, депутатга унга билдирилган ишончни оқлаши керак. Революцион қайта қуриш мамлакатимизда жадал кетаётган бир пайтда халқ депутатлари партия белгилаб берган вазифаларни, қабул қилинган қарорларни сайловчиларга етказиш ва унинг моҳиятини тушунтиришдан иборат. Биз халқ вакилларимиз. Шундай экан, ҳамма вақт одамлар билан мулоқотда бўлиш, уларнинг ташвишларига шерик бўлиш лозим. Халқ хизмат қилиш эса депутат учун катта бахт.

Р. АКБАРАЛИЕВ.

Жонкуярлик шуми?

Бугунги кунда халқ депутатларининг ҳуқуқи ва уларнинг ишчанлигини ошириш давр талабига айланди.

Шу боис ҳам ёзги сайловлар ошкоралик ва демократизм руҳида ўтказилди. Қатор районларда бу соҳага янгича ёндошиш туфайли ижобий ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бироқ, ҳамма ерда ҳам Советлар фаоллигини рисолагидай деб бўлмайди. Ҳамон меҳнаткашларнинг маданий-маиший турмуш шароитлари атрофлича ўрганилиб, зарур чора-тадбирлар кўрсатилмаяпти. Баъзи жойларда муаммоларни ҳал этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Биз Октябрь районининг икки маҳалласида бўлиб, депутатлар амалга ошираётган ишлар билан қизиқдик, активлар билан суҳбатлашдик. Суҳбатда «Илғор» маҳалла комитетининг раиси С. Фахриддинов, «Тинчлик» маҳалла комитети раисининг ўринбосари З. Мирзаев, 92-ўрта мактаб директори вазифасини бажарувчи Б. Олимжонов, директор ўринбосари Ш. Орипов, «Илғор» маҳалла комитетининг ўртоқлик суди раиси А. Муҳаммадкаримов ва мактаб партия ташкилотининг секретари Н. Иноятовлар бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Сизлардан яширадиган сирим йўқ, — дейди Улуғ Ватан уруши ветерани Забихулла Мирзаев. — Маҳалламиз аҳолиси ҳар доим сайловларда актив қатнашиб келди. Бироқ кейинги йилларда бундай тадбирларга истак анча сусайди.

— Хўш, депутатларга қандай наказлар берилган эди?

— Маҳалламизга Бобур, Тинчлик ва генерал Узоқов номли кўчанинг бир қисми қарайди. Бу кўчаларнинг айрим жойларига асфальт ётқизиш керак эди. Ўғил-қизларимиз ўқийдиган 92-мактабнинг атрофи ёзда чанг, қишда эса лой бўлиб кетади. Канализация масаласи тўла ҳал этилмаган. Аҳоли чиқинди сувларни қаерга тўкишни билмай, ариқчаларга ағдаришга мажбур бўляпти. Бундан 30 йил илгари водопровод ўтказилган эди. «Ёшини яшаб бўлган» қувурлар чириб битяпти. Шуларни ҳал этишни депутатларимизга топширган эдик. Лекин, ҳозирча натижа йўқ.

— Эҳ, нимасини айтасиз, — суҳбатга қўшилди С. Фахриддинов, — сизларнинг аҳволингизга чидаса бўлади, бироқ бизники бундан беш баттар. Забиҳулла ака ҳақ гапларни айтади. Бу муаммолар «Илғор» маҳалласида ҳам мавжуд. Фарқи шуки, бизда улардан кўпроқ, яъни 5 мингга яқин аҳоли яшайди. Маориф, Боғ, Эркин, М. Қори-Еқубов, Алоқа кўчалари ва ўнлаб проездлардаги водопровод қувурларини ўзгартириш керак. Эркин ва Маориф кўчаларида канализация умуман йўқ. Кўп болали оилаларга айниқса қийин. Аёлларнинг кўпчилиги ён-атрофда бирор ерда ишлайди. Ҳаммаларининг ҳам болалари боғчаси йўқлиги сабабли ҳеч қаерда ишламаяптилар. Баъзилари эса узоқ бўлсада 293 ва 468-боғчаларга қатнашади. Болаларни боғчага жойлаштириш учун йиллаб навбат кутишини айтмайсизми? Поликлиникага ҳам биздан анча нарида жойлашган. Тинчлик кўчасидан Кўкча дарвозасига олиб чиқадиган йўлда бирорта ҳам транспорт қатнови йўлга қўйилмаган.

— Маҳалла номидан мутасадди ташкилотларга ҳам мурожаат қилганмиз, — дейди унинг фикрини қувватлаб А. Муҳаммадкаримов, — ваъдалар билан чекланишди. Очиғи икки маҳалланинг ташвиши ҳам, ўйи ҳам битта. Истагимиз шуки Советлардаги вакилларимиз аҳоли билан тез-тез учрашсалар, уларнинг турмуш шароитларини яқиндан ўрганиб амалий ёрдам кўрсатсалар.

Ҳа, бу ердаги кўчаларни айланарканмиз бундан бир неча йил бурун арзимаган та ҳам болалар боғчаси йўқлиги маблағга битадиган нарсаларни бугунги кунда келиб кетган куч ва жиддий ёндашув билан бажарилиш даражасига бориб қолганини кўрдик. Чунки масалаларни ҳал этиш шу участкадан сайланган депутатлар ўз вақтида жорий ярлиқ кўрсатишганда эди балки бугунги суҳбатимиз ҳам ҳожат қолмасди, кишилар асаббузарлик қилиб ларига тушмасди, аҳолига ҳавас қилса арзигулик шароят яратилган бўларди.

Бобур кўчасидан бекат томон кета туриб бетон ариқларга қараймиз. Уларни ковдираб оқувчи зилол сув эмас, балки ювилган кирларнинг кўкимтир кўпикларини қолдирган. Шунда бехиётёр чамаси йилча илгари бу ердан оқ ўтувчи Кайковус анҳорини афсонага айланган эканлигини, боғлар кўз ўнгимизда нам бўлди.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

«ПОЛЬАГРА—87» ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ВАРШАВА. Познань шаҳрида очилган «Польагра-87» халқаро ярмаркасида 18 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқининг 600 га яқин фирмаси ва ташқи савдо бирлашмалари деҳқончилик экинларини етиштириш, чорва молларини парвариш қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда асраш учун мўлжалланган ғоят хилма-хил энг замонавий техника ва технологияларни намойиш этмоқда. Ярмарка павильонларига ўсимликларни химиявий муҳофаза қилиш воситалари, сабзавот ва мева, товар маҳсулотларининг, шунингдек тайёр озиқ-овқат маҳсулотларининг намуналари ҳам қўйилган.

«Польагра-87» доирасида агросаноат комплексини ривожлантириш проблемаларига оид илмий конференциялар ва симпозиумлар бўлади. Мўйна аукциони ва отларнинг савдо кўргазмалари ўтказилади.

Бу йил «Таропак-87» ўраш техникаси ва омбор машина-ускуналари салони экспозиция билан бирлаштирилган. Шу тариқа томошабинлар даладан магазин пештахталаригача бўлган циклда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бутун жараёнини такомиллаштириш имконини берадиган янгиликлар билан таниша оладилар.

«ЭРОНГЕЙТ» ТЎҒРИСИДА ЯНГИ КИТОБ

САН-ФРАНЦИСКО. Америка қуролини Эронга сотиш ва шундан олинган пулнинг бир қисмини никарагуалик контрреволюционерларга юбориш билан боғлиқ бўлган мунофиқлик Рейган маъмуриятининг фаолиятидаги тасодифий ҳодиса эмас, балки унинг ташқи сиёсати ривожидаги ва, жумладан «Янги жаҳонгирлик доктринаси» деб аталган машъум доктринани амалга оширишдаги қонуниятли, муқаррар босқичдир. Яқинда АҚШда эълон қилинган «Эрон—контраслар алоқаси. Рейган давридаги махфий группалар ва пинҳона операциялар» китобида мана шундай хулоса чиқарилган.

Китоб муаллифлари — Берклидаги Калифорния университетининг профессори Питер Скотт ҳамда калифорниялик журналистлардан Жонатан Маршалл ва Жейн Хантерлар жуда кўп факт ва материалларни таҳлил этиб, «Эронгейт» Рейган маъмуриятининг ташқи сиёсий йўли асосий белгиларини яққол ёритиб берганлигини ишонарли тарзда кўрсатганлар, бу йўл жангари антикоммунизм идеологиясига асосланган бўлиб, Америкадаги ашаддий ташкилотлар, шунингдек чет эллардаги энг реакцион кучлар билан мустаҳкам алоқалар таъсирида вужудга келганлигини таъкидлайдилар.

Рейган маъмурияти Оқ уйга келиши биланоқ, орадан кўп ўтмай, АҚШ конституциясига хилоф равишда махфий ҳокимият марказини тузди, конгрессга ҳисоб бермайдиган бу марказ «учинчи дунё» мамлакатларидаги тараққийпарвар режимларга қарши махфий операциялар ўтказиш вазифаси билан шуғулланади, дейилади китобда. Оқ уй марказий разведка бошқармасининг ҳозирги ва собиқ хизматчилари, шунингдек «Бутун дунёда чет эллардаги ўнг ва жиноятчи унсурлар билан мустаҳкам ҳамкорликда иш кўриб келаётган «пинҳона урушларнинг ветеранлари» амалга ошириладиган махфий программаларни ишлаб чиқди.

«Оқ уй ходимлари аслида террорчилар билан музокаралар ўтказиш пинҳона урушларни амалга ошириш ва ўзлари ўринли, деб ҳисоблаган жойларда қонунга чап бериш учун параллель хазина, армия, ҳарбий-ҳаво кучлари ва давлат департаментини барпо этиб олганлар, деб ёзишади китоб муаллифлари. Тадқиқотчилар «Эронгейт»нинг халқаро жиҳатларига ҳам эътиборни қаратадилар. Уларнинг фикрича «кўп қутбли дунёда танҳо ҳукмронликка интилиш жаҳон ишларини, халқаро тартибни ва халқаро ҳуқуқни муқаррар издан чиқариши ва уларга хавф солиши мумкинлигини мана шу жанжал кўрсатиб берди.

Жамоатчилик фикрини билиш мақсадида Гэллап институти ўтказган навбатдаги савол-жавоб натижаларига қараганда, савол-жавоб қатнашчиларининг учдан икки қисми АҚШнинг бўлғуси президенти Рейган маъмуриятининг йўлидан воз кечиб, янги сиёсатни ишлаб чиқиш керак, деб ҳисобламоқда. Ж. Гэллапнинг шарҳида таъкидланишича: «Эрон-контрас» можароси етказган зиён, шунингдек Рейганнинг ички ва ташқи сиёсий ташаббусларидаги бошқа зиддиятлар Оқ уй ҳозирги бошлиғининг мавқеини заифлаштириб, янги ғоялар ишлаб чиқишни зарур қилиб қўйди».

Калейдоскоп

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ТОШИ

Хитойнинг Ляонин вилоятида одатдан ташқари тоғ жинси топилди. Ана шу атрофдаги қишлоқда яшовчи деҳқонларнинг ўртача умри 83 ёшга тенг. Қишлоқ аҳолиси сариқ касал, рак билан оғримайди, уларнинг уй ҳайвонлари эса ҳеч қачон юқумли касалликларга чалинмайди. Ушбу мўъжиза сирини аниқлаш мақсадида хитойлик олимлар туркум тадқиқотларни ўтказдилар. Тажрибалар натижаси деҳқонлар ва уй ҳайвонлари касалликларга чалинмаслигининг сабаби ана шу тоғ жинси билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Мазкур тоғ жинсидан иборат тоғ 32 минерал модда: рух, мис, темир, магний, кобальт, кремний ва ҳоказо элементлардан таркиб топган экан. Таркибида ана шу тоғ жинслари бўлган сувини мунтазам истеъмол қилиш заҳарланишнинг олдини олишга, модда алмашинувини тиклашга, жигар ва ошқозон фаолиятининг яхшиланишига хизмат қилар экан. «Сиҳат-саломатлик тоши» ўсимликларга ҳам ижобий таъсир этар, ана шу тоғ жинси билан ишлов берилган дарахтлар эрта ҳосилга кирар экан.

Шарқ одоби азиз

Бу гулшан ичраки йўқтур
бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур
чиқса яхшилик била от.
Алишер НАВОИЙ.

Тантана

Янгича анъаналар—ҳаётимиз кўрки

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМЛИ МАҲАЛЛА АКТИВЛАРИНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Абдулла Авлоний номли маҳалла территориясида Фрунзе район партия комитети ташаббуси билан «Қизил чойхона» қуришга қарор қилинди. Бутун маҳалла бу хайрли ишга қўл урди: икки ой ичида чойхонанинг кўркам бинои қад ростлади. Ўзига хос атеизм марказини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти оталиққа олди...

Чойхонага яхши ният билан «Шарофат» деб ном беришди. Бу ерда кўпгина ибратли тадбирлар ўтказилди. Айниқса, «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган учрашув ҳамманинг ёдида қолди. Унда андижонлик меҳмонлар — хотин-қизлар ҳаракати ветеранлари ҳам иштирок этишди.

Хуллас, атеист-чойхона янгича анъаналарни турмушга жорий этиш, эскилик сарқитларига қарши кураш марказига айланди. Бу ерда қизлар ва йигитлар мустақил турмушга тайёргарликдан ўтадилар, қайнана ва келинлар оилада муомала маданиятини ўрганадилар, келин-куёвлар ЗАГСдан ўтгач, чойхонада зиёфат уюштирадилар. Маҳалла активларининг ташаббуси билан тўйлар ихчамлашди, «Чарлар», «Уч кунлик» каби ошиқча оворагарчиликлар йўқ қилинди.

Ёш оилаларни мустаҳкамлаш ҳамиша диққат марказида турибди. Район хотин-қизлар кенгашининг раиси Холида Қодирова бизга бир воқеани айтиб берди: худди шу чойхона тўғрисидаги уйда ёш келин-куёв ажралиб кетишди. Қайнана куёвнинг ношудлиги, шу туриш-турмуши бўлса оиласини эплаб боқолмаслигини баҳона қилиб, қизини уйига қайтариб олиб келди. Келин турмуш ўртоғини яхши кўрса ҳам онасининг раъйига қарши боролмади. Шунда маҳалла активлари маслаҳатлашиб, икки томонни муросага кўндиришди. Ярим кечада келинини кўч-кўрони билан куёвнинг уйига олиб келишди. Йигит корхоналардан бирига дурустроқ ишга жойлаштирилди. Ҳозир икки ёш тинч-тотув, бахтли ҳаёт кечиришмоқда.

— Баъзан муросаси келишмаган ёшларни осонликча ажратиб қўйишаверади, дейди Холида Ғуломовна, — менимча ажралиш сабабларини чуқурроқ ўрганиш, иложи борича оилаларнинг парчаланиб кетишига йўл қўймаслик керак. Биз ЗАГС мудираси билан шу тўғрида суҳбатлашдик, тегишли тадбирлар белгиладик.

Чойхона ичида тандирхона, мазали миллий таомлар тайёрлайдиган ошхона ҳам бор. Райондаги маҳалларининг кўпчилиги тўй-тантаналарга керакли нон, сомса, норин ва бошқа таомлар учун бу ерга буюртма беришади. Моҳир новвой Абдураҳмон Содиқов ёпган нонларининг шуҳрати бутун шаҳарга ёйилган.

Яхши келин уйга файз-барака киритади, дейди халқимиз. Шунинг учун ҳам кўпчилик оилаларда қизларга ёшлигидан уй-рўзғор юритиш, мазали таомлар тайёрлаш ўргатилади.

Айтингчи, кечагина тўй бўлиб ўтган ҳовлига мўралаганмисиз, ипакдек мулойим келинчакларнинг одоб-ҳаёси юрагингизга чўғ ташламаганми? Ҳа, келинчакларнинг уялиб-тортинишларига ўрганиб қолганмиз, қўлини кўксига қўйиб, эгилиб чой узатганда тўлқинланганмиз. Лекин, бугун келин бўлиб тушиб, эртасига бўлар-бўлмасга хохолаб куладиган, кексалар ёнидан хода ютгандек ғўдайиб ўтадиган қизлар йўқми? Қайнонаси билан тап тортмай айтишадиган, келинлик ҳаёсини унутганларни учратмаганмисиз?

Яқинда «Шарофат»га ёш келинлар, мустақил турмушга тайёрланаётган қизлар тўпланишди. Бу ерда қайнана ва келин муносабати, келин одоб-ҳаёси, муомала маданияти, уй-рўзғор юритиш ҳақида ширин суҳбатлар бўлиб ўтди.

Йиғилишни район хотин-қизлар кенгаши раиси Х. Ғ. Қодирова қисқача кириш сўзи билан очди. Йиғилганлар Низомий номидаги Тошкент педагогика институти фалсафа кафедраси доценти Фозилжон Исмоилов, педагогика фанлари кандидати Ойшахон Тўраеваларнинг мазмунли сўзларини тингладилар. Уларга дастурхон тузаш, меҳмон кутиш маданияти ўргатилди. Намунали оилаларнинг келинлари ўз тажрибаларини гапириб бердилар.

Биз йиғилиш иштирокчиси Насиба Шамсиддинова билан суҳбатлашдик.

— Ёш оилаларнинг мустаҳкамлиги қайната ва қайнаналарга ҳам боғлиқ. Мен ўрта мактабни битиргандан сўнг турмушга чиққан эдим. Ўзлари ўқитишди, шунча йил турмуш қуриб улардан ҳеч қандай ёмон гап эшитмадим. Саккиз йил фарзанд кўрмаганлигимни юзимга солишмади. Турмуш ўртоғимнинг акаси ўз фарзандини бизга берди. Ҳозир ўзимнинг ҳам ўғлим бор.

Насиба: «Аҳил турмуш кечираётганлигимизнинг сабаби — бир-биримизни ҳурмат қиламиз, бир-биримизга ишонамиз», дейди. Ҳақ гап. Ўзаро ҳурмат, ишонч бўлса оилалар парчаланмайди, болалар тирик етим қолмайди.

Шу куни Шомурод Пармонов раҳбарлигидаги район маданият уйи ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари йиғилиш қатнашчиларини куй-қўшиқлари билан мамнун қилдилар.

Эсон ҚОСИМОВ.
СУРАТДА: йиғилишдан лавҳалар.
Р. Шарипов фотолари.



Ўсмирнинг қалби нозик

Суҳбатин ақл эмас, ўзаро ишонч ҳамма нарсадан кўпроқ қизитади.
Ф. ЛАРОШФУКО.

Ўсмирларнинг турмуш йўсини ёш ўқувчиларнинг турмуш йўсинидан фарқли равишда кескин ўзгаришларга дуч келади: уларнинг оиладаги, мактабдаги, ўқувчилар ташкилотларидаги мавқелари ўзгаради. Улар энди оила аъзоларига нисбатан, шунингдек ўқитувчиларга, мактабдаги ўз тенгқурларига нисбатан янги муносабат ўрнатишлари лозим бўлиб қолади.

Ўсмир бешинчи синфга ўтиши билан ота-оналар ва оила аъзолари унга бошқача муносабатда бўлади, катталар унга ҳар гапнинг бирида «Сен энди ёш бола эмассан», «Сен ўзинг мустақил фикр юритишинг керак», «Ўзбошимча бўлма» деб дакки беришади, унинг болалик, ғўрлик даври ўтганини, ҳаётда янги давр бошланганлигини тушунтиришади. Айни вақтда ўсмирга нисбатан янги талаблар қўядилар. Ҳар бир қадамини ўйлаб босишини, ўзини тута билишини, жиддийликни, барча қийинчиликларини ўйлаб-ўлчаб кўришини, масъулият сезишини талаб қиладилар. Бу гапларда ўсмирларнинг илгари барча харҳаша ва эркаликларига энди ўрин қолмаганлиги, ўзининг илгариги ҳулқ-атворидаги кўпгина қилиқларидан энди у воз кечиши лозимлиги ҳам унга уқтирилади. Ўсмирлар, гарчи янги шароитга кўникишдан қийналсалар ҳам, ўзларининг янги ҳолатларини тушуна бошлайдилар, илгариги хулқ-атворини ўзгартириб, янги ҳолатга кўника борадилар.

Ўсмирларни тўғри кузата билишга ўрганиш ва бу билан уларда кузатувчанликнинг энг яхши сифатларини тарбиялаш лозим. Диққатни жалб эта билиш ўсмирнинг ўқиш ва меҳнат қилиш фаолиятидаги ютуқларида жуда катта аҳамият касб этади. Улуғ рус педагоги ва психологи К. Д. Ушинский бундан салкам бир аср муқаддам образли қилиб айтган эдики, диққат — бу гўдакнинг қалбига олам кириб борадиган дарчадир. Эс-хушини, диққат-эътиборини бошқаришни билиб олган ўсмирлар ўқишда ҳам, ишда ҳам яхши ютуқларга эга бўладилар, аксинча, ўзлаштирмовчи ўсмирлар одатда диққатни жалб қилмасликлари, тарқоқ хаёллари билан ажралиб турадилар. Диққат-эътиборни маълум бир мақсадга жалб эта билиш — фақат ўсмирларнинг фаоллиги натижасидагина эмас, балки у билан олиб борилган педагогик ишлар самараси ҳамдир.

Ота-онлар баъзан ўз болаларининг беғам, бепарво, «қулоқ»сизлигидан шикоят қилишади. Бу шуни кўрсатадики, педагоглар ҳам, ота-оналар ҳам ўз вақтида тарбиянинг бу томонига эътибор беришмайди. Психологиянинг кўрсатишича, диққат-эътибор икки хил бўлади: ихтиёрий ва беихтиёр. Ўсмир барча ташқи, ёркин, нотаниш ва қизиқ нарса ҳодисаларга кўзи тушганда уларга беихтиёр диққатини жалб қилади. Бундай пайтда борлиқ инсон ихтиёрини ундан олиб қўяди, унга гўё команда бериб қўяди, бир нарсага диққат қилиш учун ирода билан зўр бериш талаб қилинмайди.

Гарчи қийин, завқсиз бўлса ҳам, лекин бажарилиши шарт муҳим вазифани адо этиш пайтида ирода билан зўр бериш юзага келади ва бундай диққат ихтиёрий деб аталади. Мактабгача ёшдаги болаларда диққат кўпинча беихтиёр содир бўлади. Ўқитиш, ўргатиш, таълим бериш ва болани ишга одатлантириш орқали беихтиёр диққат ихтиёрий диққатга айлана боради. Энди инсон борлиқ устидан ҳукмронлик қилади ва ўз мақсадини амалга ошириши мумкин бўлади. Болаларни ана шунга ўргатиш керак.

Диққат фақат мактабдагина эмас, балки уй ишларини бажариш, оиладаги топшириқларни амалга ошириш пайтида ҳам шаклланади. Оиладаги тиришқилик, болаларнинг режими ва уй ишларини бажариш тартиби — диққатни тарбиялашдаги муҳим шарт-шароитлардандир. Уни биргина талаб ва буйруқ билан тарбиялаб бўлмайди. Болани ўрганишга кўниктириш, хафсалали бўлишга ўргатиш лозим. Уйда боланинг ўз «иш жойи» бўлиши ва ўз вазифаларини маълум вақтда бажариши керак.

Боланинг диққатини, унинг ишчанлигини, меҳнатга муҳаббати сингари қимматли фазилатларни тарбиялашда фақат унинг иш жойигина эмас, балки уй вазифасини бажариш тартиби ва ана шу вазифани бажариш пайти ҳам муҳим роль ўйнайди. Уз ҳолига ташлаб қўйилган ўсмирлар ҳеч қачон дурустроқ иш усулини вужудга келтира олмайдилар. Бу ишларнинг ҳаммасида меъёрга риоя қилиш жуда муҳимдир. Ота-оналар ўғил ва қизларига кучи етадиган ишларни топшириши, оғир ишларни юкламасликни, шу билан бирга, уларни ҳеч бир бекор, ишсиз қолдирмасликни доим ёдда тутишлари лозим.

Шундай қилиб, ўсмир болага билиб муомала қилиш, унинг мустақиллигини ҳурматлаш ва шу билан бирга уни тартибга солиб турилгандагина унда Ватанга, меҳнатга, коллективга меҳр-муҳаббат уйғотилади, шундагина ота-оналар педагоглар билан биргаликда ўз ўғил ва қизларининг ҳақиқий совет кишиси, принципиал, иродали, ишчан, курашчи ва яратувчи бўлиб етишишлари учун ёрдам қилган бўладилар.

Муҳаббат РАСУЛЕВА,
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институти психология лабораториясининг мудири, психология фанлари кандидати.

Китоб жавонингизга

«ҚИЗИҚАРЛИ ПАЗАНДАЛИК»

Мамлакатимизда миллий оммабоп китоблар сифатида нашр қилинган «Қизиқарли математика», «Қизиқарли геология», «Қизиқарли психология» номли китобларни китобхонлар қизиқиш билан ўқиганларни сир эмас. Яқинда мамлакатимизда биринчи маротаба Карим Маҳмудовнинг «Қизиқарлик пазандалик» китоби «Ўқитувчи» нашриётн томонидан чоп этилди.

Китоб олти бўлимдан иборат. У катта қизиқиш билан ўқиладн. Автор сўз бошида айтганидек «Китобда уй бекаларн, ҳаваскор пазандалар, ҳатто мутахассис ошпазлар ҳам билиб қўйсалар фойдадан ҳолн бўлмайдиган маълумотлар жамланган».

Китоб касб танлаш масалаларига ҳам ёрдам бериш мумкин. Фикримизча, бу рисола айниқса умумий овқатланиш муассасаларига пазандалар тайёрловчи ўқув юртлари талабаларига ва кенг китобхонлар билим доирасини кенгайтиришга ёрдам беради.

Маълумки, ҳозирги жамоат овқатланишининг ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан йил сайин ошпазлик гувоҳномасини олаётганлар сони ошиб бораяпти. Ҳар бир ёш ошпаз шу касбдаги мутахассис қандай бўлиши керак, деб ўзўзига савол беради. Шунинг учун пазанда образи ҳақида китобда ҳам бир мақола берилса, кўпчиликка қизиқарли бўлар эди, чунки ўз вазифасига жиддий муносабатда бўлаётган пазандалар билан бирга, сифатсиз таомлар тайёрлаб, хўрандаларнинг газабини қўзғатаётган «пазанда»лар ҳам йўқ эмас. Бундай масаланинг ёритилиши ёш пазандалар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлар эди, деган фикрдамиз.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Бувижон, ўқиб беринг

Каптар

Раққосага,
Каптар ўхшар
Осмон саҳна —
Рақсга тушар
Яна Саттор
Қойнд қолар,
Ўнта каптар
Сотиб олар.

Эркатой

Жажжи Эркин укамиз,
Онлада бир эркамиз.
Ўзндан сўзн катта,
Буйруғи шартта-шартта
Инғласа у уят-да,
Бажарамиз албатта.

Анвар МИРЗАЕВ.

Ҳар тўғрида

Эгизаклар синфи

Зимбабве мамлакати пойтахти Хараредаги мактабларнинг бирида, бир синфда 12 жуфт эгизак болалар ва битта уч эгизак ака-укалар ўқишади. Мактаб директорининг ўринбосари Джейн Уилсоннинг таъкидлашича, эгизаклар синфи атайлаб тузилмаган ҳамда эгизак болаларнинг ўзлаштириши, қобилияти яхши экан.

Эгизакларни бир-биридан фарқлаш учун ўқитувчиларнинг илтимосига кўра, болалар кўксига ким эканлиги ёзилган махсус нишон тақиб юришар экан.

Баҳайбат таом

Исландиянинг Плая-де-Аро шаҳридаги курортда дам олувчиларга ажойиб таом тайёрланди. Испан миллий таоми паэль (пирожка) нинг узунлиги 16 метр эди. Улкан таомни тайёрлашга 6 тонна гуруч, 3 тоннаю 500 килограмм денгиз неъматлари ва 5 тоннаю 500 килограмм сабзавот сарфланди.

Ҳозирга қадар жаҳонда бундай катта ва улкан таом тайёрланмаган эди. Уни 60 минг дам олувчи татиб кўришди.

Собит ҒАФУРОВ тўплаган.

Бир қайнови ичида гаплар

⊙ Акрам ич кўйлакка шапка кийгизяпганда қармоққа илинди.

[Сотувчининг мудирга айтган гапи].

⊙ Битта-иккита тилни биламану, лекин қайнанамнинг тилига ҳеч тушунмадим-да.

[Келининнг дугонасига айтган гапи].

⊙ Елкангиздан кесиб, қўлингизга уласак, шунда тўғри бўлади.

[Чеварнинг мижозга деганн].

⊙ Гўштимни тамом қилдим, энди калламни сотаман.

[Қассобнинг гапи].
Икром ҚОБИЛОВ.

Маданият хабарлари

Истеъдодли рассом кўргазмаси

Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида рассом Лариса Даватцнинг шахсий кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмага авторнинг турли йилларда рангтасвир ва графика асарлари қўйилган.

Лариса Даватц ҳали ёш, кўпчиликка унча таниш эмас. Москвадаги В. И. Суриков номидаги бадиий институтни тугаллаган. Кўргазмага қўйилган асарлари унинг санъати қирраларини очади. Авторнинг темалари ҳар хил — севги, ҳаёт, ёшлик, кексалик гашти ва ҳаёлот.

1970 йилда Лейпцигда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада Ларисанинг асарларига юксак баҳо берилди. Шундан кейин у бир қанча кўргазмаларда қатнашди. Халқаро, бутуниттифоқ, республика миқёсидаги кўргазмаларнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Автор асарларида ўзбек халқининг 20 — 30-йиллардаги ҳаётига ҳам кенг ўрин берилган, «Паранжини ёқиш», «Саводсизликни тугатиш» каби асарлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу асарлар ўзбек халқининг ўтмиши, озодликка эришиш йўлидаги қийинчиликлари ҳақида ҳикоя қилади.

Ҳозирги тинч, фаровон ҳаётимизни тасвирловчи асарлар рассом ижодидан кенг ўрин олган. Бу асарлар фаровон турмушимизни, кексалик гаштини, ўзбек чойхонасининг гавжумлигини, кишиларимизнинг ҳозирги замондан хурсандлигини ва ўзбек миллий урф-одатларини акс эттиради. Бу асарларга «Чойхонада», «Яна баҳор», «Қувонч», «Самовар атрофида» кабилар киради.

Рассом ижодида Ватанимиз бепоёнлиги, унинг гўзал манзаралари ҳам ўз тасвирини топган. Бу асарларда жонажон Ўзбекистонимизнинг тоғлари, адирлари ва унинг гўзал манзаралари акс этган. «Сўқоқ лавҳалари» туркумига авторнинг Сўқоқ тоғларининг қатор табиат манзараларини акс эттирувчи асарлари киради. «Баҳор оқшоми», «Кўлда» асарлари табиатни, унинг гўзалликларини акс эттиради.

Ҳаёлот, болаликнинг самимий ва бегубор дамларини акс эттирувчи асарлар рассом ижодидан салмоқли ўрин эгалларан. Бу асарлар ҳаёлот оламига етаклаши, одамларни ишонтира олиши билан диққатга сазовордир. Авторнинг бундай асарларига «Тоғ қўшиғи», «Иссиққўлнинг қизил бургутлари», «Болалик» ва «Замоннинг шиддатлиги» каби асарлари киради. Бундан ташқари, рассом ёзувчи Ч. Айтматовнинг «Оқ кема» асари, шоир А. Ориповнинг асарларидаги қаҳрамонлар образини ҳам юксак даражада ишлаган. Бу асарларнинг аксарияти кўргазмадан ўрин олган.

Ҳ. КАРИМОВ.

Ижодий ҳамкорликда

Таниқли композитор Ф. Легарнинг «Фраскита» оперетгаси ўзининг шўх ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу асар Ленинград оперетта театри саҳнасида бир неча бор муваффақиятли намойиш қилинган.

Тошкент давлат оперетта театри ҳам бу асарни ўз мухлисларига туҳфа қилишни планлаштирди. Уни постановка қилиш учун ленинградлик режиссёр В. Лазаренкони таклиф қилишди.

Айни кунларда ижодий коллектив «Фраскита»ни саҳнага олиб чиқиш устида қизғин иш олиб бормоқда, оперетта санъати имкониятларидан кенг фойдаланиб, бу спектаклнинг янада жозибали бўлишини таъминлаш учун бой маҳоратини ишга солмоқда.

Бу асар театрнинг янги мавсумдаги учинчи спектакли бўлади.

Икки рассом қиз

Гагарин номидаги тўқимачилар маданият саройи шаҳримиздаги турли тадбирлар ўтказиладиган гавжум масканлардан биридир. Мана бир неча кундирки, саройда янги кўргазма намойиш этилмоқда. Ундан шу ерда ишлаб турган тасвирий санъат студияси қатнашчилари Ойгул Нуршина ва Алла Горбачеваларнинг асарлари ўрин олган.

Ойгул билан Алла чизган расмлар кўргазмага келган томошабинда завқ уйғотади. Қизлар ўзларининг кўргазмага қўйган картиналарида болаликнинг соф туйғуларини, табиатга меҳр, келажакка бунёдкорлик кўзи билан қараш, ватанга муҳаббат каби эзгуликларни ифодалаганлар.

Ойгул чизган «Пейзаж», «Келажакда пахта термиси», «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди», «Тогда», «9 май байрами», Алланинг эса «Эвакуация», «Қизил майдонда намойиш», «Жизель» балетидан парча» картиналари кўргазмаиштирокчилари зътиборини тортяпти. Картиналарнинг сеҳрли жилоси, улардаги соддалик, бўёқлар танланиши — буларнинг ҳаммаси ёш рассомларнинг қобилиятидан дарак бериб турибди.

Г. ХУДОЙҚУЛОВА,
ТошДУ журналистика факультетининг II курс студенти.

Ноёб фотосуратлар

Бугун

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейида «Туркистонда Улуғ Октябрь ва гражданлар урушн» ҳужжатлари намойишга қўйилди.

Бу ҳужжатлар орасида Қизил Армия жангчилари ва қўмондонларига бағишланган фотоматериаллар алоҳида ўрин тутади. Айниқса В. И. Ленининг сафдоши, атоқли қўмондон М. В. Фрунзенинг Туркистонда бўлишига оид фотосуратларнинг экспозицияга қўйилиши қувончлидир. Шу суратлардан бирида М. В. Фрунзенинг Кушкада ҳарбий парадни қабул қилиш вақти акс этган бўлса, бошқалари унинг революцион фаолиятини ва ёшлик даври тўғрисида ҳикоя қилади. Фрунзенинг гимназияда ўқиб юрган кезларида тушган сурати орқасида дастхати бўлиб, унда «1904 йилнинг 23 июли» санаси кўрсатилган. Бир группа тенгдошлари билан тушган (1904 йил) сурати ҳам диққатни тортади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи олдидан бўлим материаллари қайта тартибга солинди. Эндиликда бу ерда атоқли қўмондоннинг ўзи музейга 1920 йилда тортиқ қилган шахсий қиличи ҳам кўргазмага қўйилган.


А. АЛИЕВ.





Чилонзор районидаги Курчатов номидаги 101-ўрта мактабда «Бирдамлик» ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда билим даргоҳининг 4—10-синф ўқувчилари қатнашдилар. Тинчлик байрамига айланган бу тадбирда болалар ўзларн тайёрлаган ранг-баранг буюмларни намойишга қўйдилар. Ярмарка савдосидан тушган 300 сўм маблағ 404 рақамли болалар фондига топширилди.

Н. Шарипов фотоси.



ҚОВУН САЙЛИДА. Р. Шарипов фотоси.

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Уруш бошланганда Самуғ Аҳмедов Тошкент медицина институтини тугатиш арафасида эди. Кўпчилик фронтга сафарбар бўлиб, одамлар билан тўлиб-тошган институт боғи ҳам, унинг аудиториялари ҳам ҳувиллаб қолган эди. Бироқ кўп ўтмай клиникалар фронтдан эвакуация қилинган ярадорлар билан тўлди. Дарслар ҳам одатдагидек 5—6 соат эмас, узоқроқ давом этарди. Кечқурунлари эса Самуғ Аҳмедов клиникада навбатчилик қиларди. У ярадорларга ёрдам кўрсатиб, улар билан самимий суҳбат қурарди. Ватанимизга тўсатдан бостириб кириб, қулоқ эшитмаган ёвузликлар қилаётган фашистларга қаҳр-ғазаби ошиб, фронтга жўнаш онларини бетоқатлик билан кутарди.

Ниҳоят 1942 йилнинг 18 августида Ватан ҳимоясига йўл олди. Унинг жанговар йўли Ғарбий фронтнинг Смоленск области яқинидаги Масальск шаҳрида турган 146-ўқчи дивизия 608-ўқчи полк врачлигидан бошланди.

— Сентябрь ойида бизнинг қўшинларимиз Смоленск области ҳимоясида турарди, — деб эслайди у биз билан суҳбатда. — Ҳаво совуқ, қарши ҳужумга тайёргарлик кўрардик. Ярим кечаси медицина пунктимизга бир паҳлавон жангчи йигит мурожаат қилди. Икки кундан бери тиши қаттиқ оғриб азоб чекаётган экан. Лунжи шишиб кетибди. Докторга учрашсам тишимни баттар оғритади, деб қўрқиб юрган экан. Охири бўлмабди.

— Қани, оғзингни оч-чи полвон, қайси тишинг оғрияпти? — дедим унинг ёнига аста ўтиб.

У оғзини аранг очиб, бармоғи билан оғриётган тишини кўрсатди. «Олиб ташлаш керак, бўлмаса суягига зарар қилиши мумкин» ўйладим ўзимча. Мен омбуримни қўлга олиб, ҳали ҳеч нарса қилмасданоқ унинг бақувват панжалари билагимни қаттиқ сиқа бошлади.

— Бунақада бўлмайди ўртоқ, қўлимни синдирасан, қўйиб юбор, — дедим унинг исканжасидан аранг қутулиб.

— Қани тишингни бошқатдан кўрай, оғзингни каттароқ очиб, а-а-а дегин-чи?

У оғзини очиши ҳамоно чаққонлик билан тишини суғуриб қўлига олиб бердим. Бемор ҳайрон бўлиб менга қаради.

— Жуда ҳам қўрққан эдим, доктор, — деди у гулдираб, — бунақалигини билганимда аллақачон келган бўлардим. Қўлингиз енгил экан, раҳмат!

Бемор кетгач тиш даволаш касбини эгаллаганим ҳозир қўл келиб қолганидан хурсанд бўлиб кетдим.

Март ойларида бизнинг полк Смоленскдаги жангларда қатнашиб, Спасо-Демянск шаҳрини озод қилди. Медицина пунктимизга бир кунда 400 га яқин ярадор тушди. Уларни ҳамкасбларим билан пешма-пеш саралаб, яраларини боғлаб турсам, кўзим ўша тиши оғриган паҳлавон йигитга тушиб қолди. Унинг ранги бўздай оқариб, ўнг билагидан сизилиб қон оқар, терисига осилиб қолган йўғон билак панжаларида ҳаёт аломати йўқ эди.

Вақтни ўтказмай, унинг осилиб турган жонсиз қўлини тиғ билан кесиб ташладим, жароҳатини маҳкам боғлаб, қон қуйишга тайёрладим. Кейин эса медсанбатга жўнатдим. Биз жанглар билан Калинин области, Тарту шаҳри, Полтавани озод қилиб, Шимолий Помирانияга қараб юрдик. Одер дарёсига яқинлашдик. Ғалабани Берлинда кутиб олдим.

Жангларда ярадорларга намунали тиббий ёрдам кўрсатганим учун қўмондонлик мени Қизил Юлдуз ҳамда иккинчи даражали Ватан уруши орденлари билан тақдирлади. Вазият тақозоси билан тиш докторлик, жарроҳлик қилишимга тўғри келди. Урушдан кейин эса, юрак касалликлари бўйича мутахассис бўлиб ишладим. Юрак фаолиятининг кино лентасидек қоғоздаги жимжимадор ёзувларини ўқир эканман хаёлимдан доим бир фикр ўтади. «Йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз» дейишганидек, жангдаги вазият врачдан эпчиллик, уддабуронликни талаб этади. Бунда ҳар ким дил амри, қалб даъвати билан иш тутиши керак. Шундагина қилган ишинг, хатти-ҳаракатингдан ўзинг ҳам маънавий озиқ оласан, эл-юртинг ҳам сендан рози бўлади.

Кўп йиллар давомида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кардиология кафедраси доценти бўлиб, соғлиқни сақлаш органлари учун кўплаб юқори малакали врач — мутахассислар етказиб беришда фаол иштирок этган моҳир мураббий, собиқ жангчи Самуғ Аҳмедов ҳозир Тошкент шаҳрида кексалик гаштини сурмоқда.

И. РАҲМОНОВ,
СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси, медицина хизмати подполковниги.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1987-88 ўқув йили учун чет тилларни ўрганиш бўйича пулли тайёрлов курсларига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга ўрта ва олий маълумотга эга бўлган кишилар, шунингдек, мактабларнинг 10-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Пулли тайёрлов курсларига кирувчилар ўз ёнларида: институт ректори номига ёзилган ариза, иш жойидан (ўқиш жойидан) справка, маълумот ҳақидаги ҳужжат (нусхаси), 2 дона фотосурат (3х4 см), таълим учун ҳақ тўланганлиги ҳақидаги квитанцияни олиб келишлари лозим.

Инглиз, немис ва француз тиллари бўйича машғулотлар олий ўқув юртлари, аспирантурага кирувчилар учун мўлжалланган программа асосида махсус жиҳозланган аудиторияларда ўтказилади.

Ҳужжатлар — 15 ноябрга қадар қабул қилинади.

Машғулотлар — 15 ноябрдан бошланиб, 1988 йил 1 июнгача давом этади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700115, Муқимий кўчаси, 104-уй. 109-хона.

Тошкент тажриба-экспериментал механика заводи клуби қошидаги

ХАЛҚ ТЕАТРИ

ДРАМАТИК СТУДИЯСИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Халқ театрининг режиссёри О. К. ФИАЛА.

Халқ театрига 4-автобус билан, метронинг — «М. Горький» станциясигача бориш мумкин. Телефон 62-99-44.

10 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ҲАР ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ **СОАТ 6 ДАН 13.00 ГАЧА** ТОШКЕНТДАГИ РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИНИНГ ОЧИҚ МИНВАРЛАРИ ЁНИДА ХУСУСИЙ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛИШ УЧУН МАХСУС ТУРАРЖОЙ АЖРАТИЛГАН,

Машиналар отчопар территориясига «БАҲОР» миллий таомлар кафеси қаршисидаги ҳалқа йўл томонидан киритилади.

Автомашиналар савдоси юзасидан жой берилгани учун — 1 сўм ҳақ тўланади.

Сотилган автомобиллар белгиланган тартибга кўра комиссион магазини орқали расмийлаштирилади.

Ўзбекистон ССР Қашқадарё область Якқабоғ районидаги 60-ўрта мактаб томонидан **Байбеков Юсуп Халикулович** номига берилган В № 766200 номерли йўлқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-ремонт заводининг касаба союз комитети томонидан «Красновосточник» пионер лагерига берилган йўлқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТЬ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қуйбишев районидаги 121-ўрта мактабнинг йўқолган

ГЕРБЛИ ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Макулатура топширувчи гражданлар диққатига!

АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИГАН КУНЛАРИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ:

Р. Брэдбериннг «АБАДИЙ САРСОН-САРГАРДОНЛИК ВА ЕР ҲАҚИДА». Ҳикоялар.

9 октябрда ҳар бир қабул пунктида 50 тадан,

10 ва 11 октябрда — 75 тадан абонемент тарқатилади;

Т. Драйзернинг «ФИНАНСИСТ» китобига.

16, 17, 18 октябрда ҳар бир қабул пунктида 50 тадан абонемент тарқатилади.

Р. Брэдбериннг «Абадий сарсон-саргардонлик ва Ер ҳақида» китобига фақат бир вақтнинг ўзида камида 10 килограмм макулатура топширилганидан кейин абонемент берилади. Абонемент 20 килограмм макулатура топширгандан кейин унда кўрсатиган китобни олишга кафолат беради.

Макулатуралар маркалар учун фақат абонементлар кўрсатилгандан кейингина қабул қилинади.

Абонементлар жума куни — соат 18.00 дан бошлаб, шанба ва якшанба кунлари соат 9.00 дан бошлаб тарқатилади.

Бошқа кунлари макулатуралар абонементларга бериладиган маркалар тўлиқ комплектини тўлдириш учун ва макулатура ва иккиламчи хом ашёларга 52-01 прейскурантига биноан харид нархларида ҳақ тўлаш билан чекланмаган миқдорда қабул қилинади: топширилган 1 килограмм макулатура учун — 2 тийин, топширилган бир килограмм ярим жун ва жун латта-путталар учун 16 тийин ва топширилган бир килограмм ип-газлама латта-путталари, каноп ва қоплар учун 6 тийин ҳақ тўланади.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ИНВАЛИДЛАРИ ВА ҚАТНАШЧИЛАРИГА НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг 1981 йил 4 июндаги 354-Р кўрсатмасига биноан Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига ҳар бир қабул пункти бўйича тарқатиладиган абонементлар умумий ҳажмининг 20 процента миқдорида абонементлар бериш нормаси белгиланган.

Макулатуралар фақат даста-даста қилиб боғланган, турлари бўйича газета, китоб-журнал, рўзғор картони ва ўров қоғозлари тарзида жамланган ҳолда яшаш жойидан қатъий назар барча гражданлардан навбатга туриш тартиби билан қабул қилинади.

Макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материалларини қабул пункт-магазинларига фаол равишда топшириш абонементларга бериладиган адабиётларнинг китоб савдоси тармоқларига тезроқ келиб тушишига ёрдам беради.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 79-қабул пункти «ТОМРЭС» заводи районидан «Ташсельмаш» заводи районига кўчирилди.

Справкалар учун телефон 48-04-93.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЪМИРЛОВ КОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«АЙЛАНМА ЙЎЛ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ

Сценарий муаллифи — В. ДОЗОРЦЕВ.

Режиссёр — Э. ЛАЦИС.

Ролларда: Р. ЗАГОРСКИС, А. ПАУКШТЕЛЛО, А. МИХАЙЛОВ ва бошқалар.

Фильмга қутилмаган воқеа: экскурсия автобусининг бўронга дуч келиши ва бир группа одамларнинг ташқи дунёдан вақтинча ажралиб қолишларига қарамай, мураккаб ҳолатдан чиқиш йўлини излашлари асос қилиб олинган.



РИГА КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

Обуначилар диққатига!

1988 йил учун

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ, «СОЮЗПЕЧАТЬ» КОРХОНАЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙИДАГИ ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» ОБУНАЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ УЧУН КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ВА ОБУНА МУДДАТИНИНГ БИР НЕЧА ДАВРИГА ОРАЛАТИБ ОБУНА БЎЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Коллектив обуна бир неча обуначи томонидан бир нашрга обуна бўлишни ва ундан навбатма-навбат фойдаланиш имкониятини беради.

Обуна муддатининг бир неча даврига оралатиб обуна бўлиш студентлар, мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, шунингдек узоқ муддат отпуска ёки командировкаларда бўлувчи кишилар учун мўлжалланган.

Газета ва журналларга шу йилнинг 1 ноябрига қадар обуна бўлиш даврий нашрларни обуначиларга 1988 йил 1 январдан бошлаб етказиб беришни кафолатлайди.

Газета ва журналларга шу йилнинг 1 ноябридан кейин обуна бўлганларга даврий нашрлар февраль ойидан бошлаб ва ундан кейинги ойлар мобайнида ўтказиб берилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ «СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

Дақиқалар, тўхтанг!

«КИЕВ—19»

ЭКСПОЗИЦИЯНИ ЯРИМ АВТОМАТИК РАВИШДА ЎРНАТУВЧИ, КИЧИК ФОРМАТЛИ КЎЗГУЛИ ФОТОАППАРАТДИР.

МАЗКУР ФОТОАППАРАТ «МС ГЕЛИОС-91-Н» ОБЪЕКТИВИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН.

«КИЕВ-19» ФОТОАППАРАТИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АЛМАШИНУВЧИ ОБЪЕКТИВЛАР СУРАТ ОЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРАДИ.

БУ ФОТОАППАРАТ ҲАР ҚАНДАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ҲАМ БЕНУҚСОН ИШЛАЙДИ.

Баҳоси — 150 сўм.



«АРСЕНАЛ» ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ЯНГИ УЙГА КЎЧАЁТГАНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!



ГЎЗАЛ «ДЕСНА»

«ДЕСНА» корпусли мебеллар термаси уйингизда шинамлик ва қулайлик яратади. Шкафларнинг олд томонига қизил ёғочдан сайқал берилган бўлиб, полиэфир лак билан қопланган. Манзарали безаклари ўзига хос кўрк бағишлайди. Мазкур термада ҳамма нарсага — идиш-товоқларга, чойшаб, ёстиқ жилдларига, китобларга жой топилади.

«ДЕСНА» КОРПУСЛИ МЕБЕЛЛАР ТЕРМАСИНИ ҚУВА МЕБЕЛЬ КОМБИНАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

Баҳоси — 633 сўм.

«Десна» мебелини Юнусобод массиви, 8-квартал, 39-уйга жойлашган «Мебель» фирмали магазинидан сотиб олиш мумкин.

«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ»

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

АБОНЕНТЛАРГА 15 НОЯБРГА ҚАДАР ЎЗ ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ ҲЎЖАЛИКЛАРИНИ 1987—1988 йиллар қиш мавсумида фойдаланишга тайёрлаб қўйишни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ЛОЗИМ:

— водопровод ва канализацияни профилактик ремонтдан чиқариш;

— вақтинча мавсумий сув тақсимлагичларни ёпиб қўйиш;


— очиқ сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи узеллар ва сув тақсимлагичларни ситиб қўйиш.

ҚИШ ШАРОИТИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАНМАГАН ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ ҲЎЖАЛИКЛАРИ ҚЎШИМЧА ОГОҲЛАНТИРИШСИЗ ШАҲАР СУВ ТАРМОҒИДАН УЗИБ ҚЎЙИЛАДИ.

Бирйўла сув ҳақини ўз вақтида тўлаш лозимлигини эслатамиз.

ҲОВЛИ ВОДОПРОВОДЛАРИНИ ҚИШГА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАШ:

Ҳовли водопровод тик қувурларини қиш мавсумига иситаётганда қувурнинг ташқи сатҳи—тик қувур ва иситувчи материал оралиғида 40-60 миллиметр бўшлиқ қолиши лозим.



Майдаланган сомон, қуруқ қипиқ, қуриган ўт ва бошқа совуқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материали бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иситгич материалининг қалинлиги камида 30-35 сантиметр бўлиши керак.

Сув тик қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп, қалин қоғоз ва бошқалар қўлланилади.

Водопровод тик қувури ўралганидан сўнг у ёғоч билан ўраб чиқилади ва бўш қолган оралиққа қипиқ тўлдирилади.

Кўпинча вентилнинг сальниги ишдан чиқиб сув иссиқлигини сақловчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун вентилнинг тагига тунука ёки шифер бўлагини ёғоч қопламадан ташқарига чиқариб, бир мунча нишаброқ ўрнатиш лозим. Филофнинг усти очиб ёпиладиган қопқоқ билан ёпилиб, вентиль маховиги учун туйнук қолдирилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-56.81; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-56.81; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-54-81; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р — 13039. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2482. Тираж— 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 8/X да ... ринчи, 9/X да Тўмарис ... да Флория Тоска.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 8/X да ... қароқчи урдм, 9/X да ... кон, 10/X да Тавдар ... (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ... БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ... ТРИДА — 8/X да Олифта ... да Аршин мол-олок, 10/X Тошболта ошиқ.

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ТО... ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/X да Отасининг қизи, 9/X Майсаранинг иши.

Кино

8 ОКТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — УЗБ... ФИЛЬМЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ.

Москва — «КАПАБЛАНКА» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Нукус — «КУРЬЕР» (17, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚИЗ УЧРАШИШГА ШОШАДИ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Искра — «ХАВФЛИ РОЛЛАР». (16, 18, 20.00).

К. Ерматов номли — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (16, ... 21.00).

Ҳозоғистон — «АПЕЛЬСИН» (19.00). «ҚИЁФАДОШ» (16, 18, 20.00).

Ватан — «СЕВГИ САРОЙ» (16, 18, 20, 21.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ОҲАНГЛАРДА ХОТИРА ЭТАДИ» (жуфт соатларда).

9 ОКТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Москва — «МУҲАББАТ БУ ҲАЁТ» (11, 13.30, 16, 18, 21.00).

Нукус — «БОББИ» (11, 17, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ШОҲОНА ШИФО» (12, 15, 18, 21.00).

Искра — «ЁЛҒИЗ АЁЛ НИШИШНИ ИСТАЙДИ» (11, 14.00), «ХАВФЛИ ГАСТРОЛЛАР» (16, 18, 20,00).

К. Ерматов номли — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (11, ... 16, 21.00), «ШЕРЛОК ХОЛМС XX АСРДА» (12, 17, 20.00).

Ватан — «ЧАЛА ҲАЙИҚ» (12, 15, 18, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «МАЪСУМА» (11, 14, 17, 20...

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРГИЧ ТЕЛЕФОНЛАР

Санъат саройи 44-21-44, 21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йиллиги — 77-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 66-...
Искра — 39-14-59.
Нукус — 46-46-55.
Дружба — 67-96-87.
ВЛКСМ 30 йиллиги — ... 52.

Шаҳар кинотеатрида ... кўрсатиш маданиятини ... тириш юзасидан таклиф ... истаклар билан Тошкент ... ҳар ижроия комитети ... лаштириш бошқармаси ... 37-11 телефон номери ... мурожаат қилинсин.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Чехословакиянинг «Прага» цирки артистларининг томошалари (8/X да 19.30 да, 9/X да 14.45, 19.30 да).

Собир Раҳимов ... торгига тегишли 2846-мерли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон кўрлар ... тининг Тошкент ... ва картонли буюмлар ... лаб чиқариш комбинати ... бензин учун берилган ... қолган

ОДТ 434921-435000 мерли А-76.
ЗДХ 854501-800 мерли А-72.
УВО 325821-855 мерли А-93.
НПО 642236-295.

НОМЕРЛИ ТАЛОНЛАР **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ССР ... академияси «Физика-қуёш ... илмий ишлаб чиқариш ... лашмасининг Физика-техника ... институти коллектив ... қўзгалиш-концентрация ... лабораториясининг ... илмий ходими М. Усмонова ... қизи

Зулфия УСМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати ... билан чуқур таъзия ... қилади.

«Меҳнат» нашриёти ... лективи нашриётнинг ... ция мудири А. Абдуғ... ловга акаси

Абдумажид РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати ... билан чуқур таъзия ... қилади.